

АРАБ ТИЛИДАГИ КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАСНИФИ

СЕМАНТИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ВСПОМОГАТЕЛЬНЫХ ГЛАГОЛОВ АРАБСКОГО ЯЗЫКА

SEMANTIC CLASSIFICATION OF AUXILIARY VERBS IN ARABIC LANGUAGE

Malika NASIROVA,

*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD. Chair of the
Uzbek language and classical oriental literature.*

m.nasirova@iiauo.uz

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011. Uzbekistan

DOI: 10.47980/TLOI/2020/3/15

Аннотация: Араб тилида феъл туркуми бошқа сўз туркумлари ичида энг салмоқли ўринни эгаллайди. Араб тилидаги феълларнинг морфологик хусусиятларини билмай туриб, бошқа туркумларга хос кўпгина грамматик қоидаларни ўзлаштириш мумкин эмас.

Ушбу мақола субъектнинг иш ҳаракатини билдирувчи етакчи феъл билан бирга келиб, унга турлича қўшимча маъно берувчи кўмакчи феълларга бағишланган. Араб тилида кўмакчи феъллар мавзуси жуда кенг ва мураккаб мавзулардан ҳисобланади. Тилишунослар бу масала билан илк ўрта асрлардан қунимизга қадар жиддий шуғулланиб келадилар. Энг янги, замонавий тадқиқотлар Аббос Ҳасан, Мустафо Ғалайийний, Фуъад Неъмат, Антуан Дахдах, Абу Бакр Абдул Алий ишларида жамланган.

Мазкур мақолада араб тилидаги кўмакчи феълларнинг семантик таснифи масаласи илмий асосланган. Унга кўра феъллар “Бўлиш” ва “бўлиб қолиш” мазмунини ифодаловчи феъллар, “Мулоҳаза феъллари”, “Ўзгариш ёки айланиб қолишни ифодаловчи феъллар”, “Иш-ҳаракатнинг бошланишини ифода этувчи феъллар”, “Бўсаға мазмунини ифодаловчи феъллар” каби семантик гуруҳларга бўлиниб асосий феълга мазкур маъноларни юклайди.

Бу феълларнинг ичида «كان و أخواتها» энг сермахсул бўлиб, исмий гапларда боғловчи феъл вазифасида келиб, исмий кесимни тушум келишигида келишини талаб қилади, феъллий гапларда эса феъл-кесим билан мураккаб феъл замонларини ҳосил қилади.

أفعال الشروع феъллари эгани бош келишиқда ва кесимни тушум келишигига қўйиб маъно кашф қилувчи иш-ҳаракатининг бошланганлигини англатади. Афъалу-л-мукараба феълларидан кейин келаётган кесим эса бутун бир жумла шаклида бўлиши мумкин. Бундан ташқари афъалу-л-мукараба асосий ёки ёрдамчи феъл бўлиши ҳам мумкин.

Араб тилидаги кўмакчи феълларнинг жумладаги ишлатилиш доираси кенг, улар жумланинг нафақат иш-

ҳаракат даражасини, ҳолини, балки, унинг замонини ҳам ифодалаб бера олар экан. Бундан ташқари кўмакчи феълларнинг яна бир тури жумладаги ҳис-ҳаяжон, истак ва хоҳишни, ҳис-туйғуни ҳам намоён эта олиши тадқиқот давомида аниқланиб, таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: феъл, кўмакчи феъллар, иш ҳаракат, асосий мазмун англатувчи феъл, кесим, қўшимча маъно.

Аннотация: В арабском языке глагол занимает весомое место среди частей речи. Не зная морфологические особенности арабских глаголов невозможно освоить многие правила других частей речи.

Данная статья посвящается вспомогательным глаголам, которые вместе с основным глаголом передают дополнительное значение действию субъекта. В арабском языке тема вспомогательных глаголов привлекала внимание языковедов, начиная с раннего средневековья и до настоящего времени. Самые последние исследования по этой теме собраны в трудах Аббаса Хасана, Мустафа Ғалайийни, Фуъада Неъмат, Антуана Дахдах, Абу Бакра Абдул Али.

В данной статье научно обоснован вопрос семантической классификации вспомогательных глаголов. По нему глаголы делятся на такие семантические группы как: «глаголы бытия и становления», «глаголы начинания», «глаголы, обозначающие близость действия», «глаголы, обозначающие вероятность совершения действия» и другие, которые возлагают вышеуказанные значения на основной глагол.

«كان و أخواتها» являются наиболее употребительными среди других, выполняют функцию глагола-связки и требуют постановки именного сказуемого в винительном падеже. А в глагольных предложениях вместе с глаголом-сказуемым образуют сложную временную конструкцию.

Глаголы أفعال الشروع требуют постановки подлежащего в именительный, а сказуемого в винительный падеж и обозначают начинание действия смысловых глаголов. В роли сказуемого после глаголов أفعال المقاربة может выступать целое предложение. Кроме того глаголы أفعال المقاربة могут быть как смысловыми, так и вспомогательными.

В арабском языке вспомогательные глаголы - это глаголы широкого спектра применения в составе предложения. Они не только определяют степень и состояние, но и время действия. В ходе исследования стало известно, что существует ещё одна разновидность вспомогательных глаголов, демонстрирующих волнение, желание и чувства.

Ключевые слова: глагол, вспомогательный глагол, действие, основной смысловой глагол, сказуемое, дополнительное значение.

Abstract: In Arabic, the verb takes a significant place among the parts of speech. Without knowing the morphological features of Arabic verbs, it is impossible to master many of the rules of other parts of speech.

This article is devoted to auxiliary verbs, which, together with the main verb, convey additional meaning to the action of the subject. In Arabic, the topic of auxiliary verbs has

attracted the attention of linguists from the early Middle Ages to the present. The most recent studies on this topic are collected in the works of Abbas Hasan, Mustafa Galayini, Fuad Nemat, Antoine Dahdakh, Abu Bakr Abdul Ali.

In this article, the issue of the semantic classification of auxiliary verbs is scientifically substantiated. According to it, verbs are divided into such semantic groups as: “verbs of being and becoming”, “beginning verbs”, “verbs denoting the proximity of an action”, “verbs denoting the likelihood of an action” and others that assign the above meanings to the main verb.

“كان و أخواتها” are the most commonly used among others, they perform the function of a linking verb and require the setting of a nominal predicate in the accusative case. And in verb sentences, together with the verb-predicate, they form a complex temporary construction.

The verbs *أفعال الشروع* require the subject in the nominative and the predicate in the accusative and denote the beginning of the action of semantic verbs. The predicate after the verbs *أفعال المقاربة* can be a whole sentence. Also, the verbs *أفعال المقاربة* can be both semantic and auxiliary.

In Arabic, auxiliary verbs are verbs of a wide variety of uses in a sentence. They not only determine the degree and state, but also the time of action. During the research, it became known that there is another type of auxiliary verbs that demonstrate excitement, desire and feelings.

Keywords: verb, auxiliary verbs, action verb, main verb, verbal predicate, additional meaning.

КИРИШ

Ўзбек ва араб тилларида кўмакчи феъллар.

Биз биламизки, феъл сўз туркуми нарсанинг ҳаракат ва ҳолатини билдиради. Ўзбек тилида ёрдамчи феъллар феъл шаклининг аналитик шаклларига мансуб (*Lafasov O., 2007:47*).

Субъектнинг иш-ҳаракатини билдирувчи етакчи феъл билан бирга келиб, унга турли қўшимча маъно берувчи феъллар “кўмакчи феъллар” дейилади. Ўзбек тилида кўмакчи феъл, асосий феъл, яъни феълга бирикиб турли модал маъноларни ифодалайди. Бу шаклга кўмакчи феъл ва тўлиқсиз феъллар киради. Кўмакчи феъл таркибидаги биринчи қисм етакчи, иккинчи қисм кўмакчи ҳисобланади.

Араб тилида кўмакчи феъллар мавзуси жуда кенг ва мураккаб мавзулардан ҳисобланади. Уларни фарқлаш ва таснифлашдан аввал унинг ўзи ҳақида қисқача маълумот бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўмакчи феъллар деб субъектнинг иш ҳаракатини билдирувчи етакчи феъл билан бирга келиб, унга турлича қўшимча маъно берувчи феълларга айтилади. Араб ва ўзбек тилшунослари кўмакчи феълларга берган таърифлари бир биридан қисман фарқлансада, улар деярли фарқ қилмайди (*Ibrohimov N., 1997:243*).

Кўмакчи феъллар маъносига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

Иш ҳаракат бошланишини билдирувчи феъллар, улар араб тилида *أفعال الشروع* дейилади. (*Abbas, Hasan., 2004: 620*)

Улар: قام, أقبل, صار, أصبح, شرع, راح, جعل, ابتداء, بدأ أخذ

Мисол: *بدأ العمال يعملون من الصباح* - Ишчилар эрталабдан ишлай бошладилар.

1. Иш ҳаракатнинг ўтган замонда бажарилганлигини ва ҳозирги замонда ҳам давом этаётганлигини куйидаги ёрдамчи феъллар билдиради:

واصل, مضى, تابع, دام, استمرّ, ما فتئ, ظل, ما زال, بقي, ما يرح

Мисол: *تابع الرجل يسير حتى المساء* - У одам кечгача юришида давом этди.

2. Иш ҳаракатнинг бажарилиш арафасида турганлиги ёки иш ҳаракатнинг бажарилишига оз қолганлигини билдирувчи феъллар “Бўсаға феъллар” дейилади. Арабчасига улар *أفعال المقاربة* деб номланган. (*Abbas, Hasan., 2004: 614*): *كاد, أوشك*.

Мисол: *كاد الطفل يموت من الخوف* - Бола қўрқинчдан ўлай деди.

3. Иш ҳаракатнинг амалга ошиш эҳтимоли борлигини *عسى* феъли билдиради ва фақат ўтган замонда ишлатилади.

عسى زيد أن يكتب - эҳтимол, Зайд ёзар.

4. Баъзан *ليس* феъли инкор юкламаси вазифасида ҳам ишлатилади.

Мисол: *لست أدري* - Билмайман.

I. *كان و أخواتها* феълларидан инкор юкламаларини олиб келувчи феъллар ҳам мавжуд бўлиб, улар ушбу юкламасиз бу туркумга кирмай қолади. Булар *زال, برح و انفك, فتئ*.

Улар *لا يزالون مختلفين* турличадирлар.

لا نبرح عليه عاكفين У билан ҳеч қачон шугулланмаймиз (унга берилмаймиз).

Ушбу феъллар билан келаётган инкор юкламаси қасам сўзидан кейин келса, тушиб қолиши мумкин. Масалан:

تالله تفتأ تذكر يوسف Аллоҳга қасамки, токи мадордан кетгунингча (ҳалок бўлгунингча) Юсуфни зикр қилаверасан.

Ушбу юкорида санаб ўтилган феъллардаги инкор юкламасини *ما* масдар *ما* масдар “ма ал-масдарий” юкламаси билан адаштирмаслик лозим.

أوصاني بالصلاة و الزكاة ما دمت حيا Токи тирик эканман, у мени (Оллоҳ) намоз ва закотга буюрди.

II. *كاد و أخواتها* гуруҳидаги феъллар уч қисмга бўлинади:

1. Бўсаға феъллари. (*أفعال المقاربة*) Иш ҳаракатни бажарилишига сал қолганини билдиради. *كاد, أوشك* ва ушбу туркумга киради. Мисол учун:

أوشك الوقت أن ينتهي - Вақт тугаб қолай деди.

(белгиланган вақт озгина қолганлигини билдиради).

Эгани бош келишиқда ва кесимни тушум келишигига қўядиган феълларнинг яна бир тури **أفعال الشروع** бўлиб, улар маъно кашф қилувчи иш-ҳаракатнинг бошланганлигини англатади. Уларга **انشأ، طفق، شرع، بدأ، أخذ، جعل** феъллари киради. Мисол: **بدأ الفلاح يحصد القمح – Деҳқон бугдойни тера бошлади.**

وجعل اللاعبين يتدربون بنشاط – Ўйинчилар фаол машқ қила бошлади.

Афъалу-ш-шуруъ феъли таъсирида тушум келишиқ ҳолатида туриши керак бўлган жумла билан ифодаланган кесимга оид қўшма гапнинг келишигини куйида мисол билан келтирамиз. Масалан:

Кози ҳукми ўқий бошлади. – **شرع القاضي يقرأ الحكم** (شرع) فعل ماض ناقص من أخوات كان يرفع الاسم وينصب الخبر

– (القاضي) اسم شرع مرفوع علامة الرفع الضمة المقدرة علي الياء منع من ظهورها الثقل.

– (يقرأ) فعل مضارع مرفوع لتجرده من الناصب و الجزم. و علامة الرفع ضمة ظاهرة و الفاعل ضمير مستتر جوازا تقديره (هو) (الحكم) مفعول به منصوب و علامة النصب الفتحة الظاهرة

– الجملة الفعلية (يقرأ الحكم) في محل نصب خبر (شرع).

(Nosirova, M., 2013: 26)

Демак, феълий жумласи **يقرأ الحكم** нисбатан тушум келишигида туриши керак бўлган кесимдир. Шу боис мазкур жумла “лаҳа маҳалл фил-иъраб” сирасига киради.

Афъалу-ш-шуруъ га нисбатан кесим бўлиб келаётган феъл ўрнига унинг масдарини предлог билан келтириш мумкин. Масалан:

1. أخذت الأمم تستعمل الذرة لغايات سلمية
2. أخذت الأمم في استعمال الذرة لغايات سلمية

– **Халқлар атомни тинчлик йўлида ишлата бошладилар.**

5. Бўсаға мазмунини ифодаловчи феъллар – **أفعال المقاربة**

а) Иш-ҳаракатнинг бошланиш бўсағасида эканлигини ифодаловчи феълларга **كاد، أوشك** феъллари киради.

б) Иш-ҳаракатнинг бўлиш эҳтимоли ёки имкониятини билдирадиган феълларга эса **عسى، خرى** ва **كأبي** феъллар киради. (Grande, B., 1998: 442-443)

Бемор ўлаёзди. – **كاد المريض يموت** – **Балки гамдан сўнг қувонч келар.** – **عسى الهم يكون وراء فرح**

أوشك феъли кўпинча боғловчисиз, **عسى** феъллари эса боғловчилар билан қўлланилади. Масалан:

Каби от-кесимни тушум келишиги ҳолатига қўювчи феъллар тоифасидан бири “афъалу-л-мукараба”дир. Бу феъл сирасига **كرب، أوشك**

бу феъллари киради. Бу феъллар иш-ҳаракатни бошланишига яқин, оз вақт қолганини билдиради. Афъалу-л-мукараба феъллари-дан кейин келаётган кесим бутун бир жумла шаклида бўлиши мумкин. Масалан,

Кўёш шарқдан чиқай деди. – **كادت الشمس تشرق**

Араб тилишунослари ушбу жумлани куйидагича таҳлил қиладилар:

(كاد) فعل ماض ناقص من أخوات (كان) مبني علي الفتح. و (الناء) للتأنيث و (الشمس) اسم كاد مرفوع و علامة الرفع الضمة الظاهرة. (تشرق) فعل مضارع مرفوع لتجرده من الناصب و الجازم و علامة الرفع الضمة الظاهرة. و الفاعل ضمير مستتر جوازا تقديره (هي). و الجملة من الفعل و الفاعل في محل نصب خبر (كاد).

Ўтган замон ноқис феъли бўлиб, **كاد** мансуб ва фатҳа билан тугалланадиган **يبنى**, яъни ўзгармас феълдир.

الشمس феълни муаннас жинсига ишора **الناء** – **кўёш** (كاد) нинг эгаси бош келишиқда ва бунинг кўрсаткичи ал-дамма аз-зоҳирадир.

шарт (жазм) ва **истак** (насб) юкламаларидан холи бўлгани учун дарак майлидаги ҳозирги замон феълидир. Унинг дарак майлига ишора қилувчи белги ад-дамма аз-зоҳирадир. Унинг **الفاعل**нинг тақдири **бўлган** (маъносини берувчи) **الناء** дамир мустатирдир. Жумла эга ва феъл-кесимдан ташкил топган бўлиб **كاد** феълидан кейин тушум келишиги ҳолатида турадиган кесим ўрнидадир. Масалан:

Хаво мўтадиллашай деб қолди – **كرب الجو يعتدل** мураккаб жумласидаги эга ва феъл-кесимдан ташкил топган **كرب** феълнинг тушум келишигидаги кесимидир.

Баҳор фасли кириб келай деб қолди. Ушбу мисолдаги **أن** ва феълдан ташкил топган масдар муаввал **أوشك** га нисбатан тушум келишигидаги кесимдир.

Балонинг кўплигидан покланаёзди. – **أو قد كاد من طول البلي أن يحمصا**

Унинг бўйни узилай деди. – **أو قد كربت أعناقها أن تقطعا**

Биринчи гапдаги **أن** жумласи **كاد** феълидан кейин тушум келишигида қўйиладиган кесим ўрнида келган, боғловчи сифатида эса феъл таркибидаги **“الياء”** дамир мустатир келмоқда. Иккинчи жумладаги **أن** жумласи **كرب** феълидан кейин тушум келишигида қўйиладиган бўлак ўрнида келган боғловчи сифатида эса феъл таркибидаги **“الياء”** дамир мустатир қўлланилган. (Nosirova, M., 2013: 26)

Афъалларнинг ишлатилишидаги баъзи қоидаларни эслатиб ўтамыз.

1) **Аўшк** га нисбатан кесим бўлаётган жумла кўпинча **أن** юкламаси билан бирга келади. Масалан: **Таътил тугаб қолай деди.** – **أو شكك العطلة أن تنتهي**

6. Мақтов ва таҳқир феъллари – أفعال المدح والذم

Бу феълларга:

1) حَبَّذَ، نَعِمَ – “қандай яхши!”

2) سَاءَ، بُسَسَ، لَا حَبَّذَ (As-Sayyid Khalifa, 2013:74)

– “қандай ёмон!” маъноларини ифодаловчи тусланмайдиган феъллар киради. Масалан:

نَعِمَ زَيْد – Зайд қандай яхши!

حَبَّذَ الْعِلْمَ – Илм қанчалар яхши!

بُسَسَ الشَّرَابُ – Ичимлик қандай ёмон!

7. Ажабланиш феъллари

Бундай феъллар икки хил қолипда ясалади:

1. مَا أَفْعَلَ زيدан кейинги отни тушум келишигида бошқаради. Масалан:

مَا أَطْيَبَ الطَّعَامَ – Бу таом қандай яхши!

2. أَفْعَلَ بِـ қолипида. Масалан:

أَكْرَمَ بَزِيدَ – Зайд қандай саҳоватли. (Grande, B., 1998:444)

НАТИЖА

Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, феъл туркуми бошқа сўз туркумлари ичида энг салмоқли ўринни эгаллайди. Араб тилидаги феълларнинг морфологик хусусиятларини билмай туриб, бошқа туркумларга хос кўпгина грамматик қоидаларни ўзлаштириш мумкин эмас.

Ўзбек ва рус арабшунослари ёрдамчи феълларни куйидаги категорияларга бўлиб ўрганадилар:

а) Гапдаги иш-ҳаракатнинг бошланишини билдирувчи феъллар:

فَام، أَقْبَلَ، صَارَ، أَصْبَحَ، شَرَعَ، رَاحَ، جَعَلَ، ابْتَدَأَ، بَدَأَ، أَخَذَ

Бу феъллардан кейин асосий феъл ҳозирги-келаси замонда ишлатилади. Мазкур асосий феълнинг замонини ёрдамчи феъллар аниқлайди: асосий феъл ўтган замонда бўлса, ёрдамчи феъл ҳам ўтган замонда, асосий феъл ҳозирги-келаси замонда бўлса, ёрдамчи феъл ҳам ҳозирги-келаси замонда келади.

Масалан: بَدَأَ الطَّلَابُ يَكْتُوبُونَ – Талабалар ёза бошладилар.

б) Иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бажарилганлигини ва ҳозирги замонда ҳам давом этаётганлигини, яъни иш-ҳаракатнинг давомийлигини англатувчи феъллар:

وَأَصَلَ، مَضَى، تَابَعَ، دَامَ، اسْتَمَرَّ، مَا فَتَى، ظَلَّ، مَا زَالَ، بَقِيَ، مَا بَرَحَ

Бу феъллардан кейин асосий феъл ҳозирги келаси замонда келади.

Масалан:

كَانَ شَعْبُنَا يَنَاضِلُ وَلَا يَزَالُ يَنَاضِلُ مِنْ أَجْلِ السَّلَامِ

-Халқимиз тинчлик учун курашган ва ҳозир ҳам курашишида давом этмоқда.

У одам кечгача юришида давом этди (Ibrohimov, N., 1997: 244)

с) Иш-ҳаракатнинг бажарилиш арафасида турганлигини ёки иш-ҳаракатнинг бажарилишига оз қолганлигини ифодаловчи феъллар:

كَادَ، أَوْشَكَ

Кад феълидан кейин асосий феъл ҳозирги-келаси замонда, феълидан кейин эса йюкламаси билан истак майлида келади.

(Ibrohimov, N., 1997: 244)

Масалан:

كَادَ الطِّفْلُ يَمُوتُ مِنَ الْخَوْفِ – Қўрқинчдан бола ўлай деди.

تَوَشَّكَ الْكَارِثَةُ أَنْ تَحْلِبَ بِي – Менга бир фалокат бўлай деяпти.

Кад феъли инкор юкламаси билан келганида, “зўрға”, “деярли” маъноларини билдиради.

Масалан:

لَا نَكَادُ نَفْهَمُ هَذَا – Буни биз зўрға тушунамиз.

لَا أَكَادُ أَعْرِفُهُ – Мен уни дярли танимайман.

д) Иш-ҳаракатнинг амалга ошиш эҳтимоли борлигини феъли билдиради ва бу феъл фақат ўтган замон шаклида ишлатилади. Ундан кейинги феъл йюкламаси билан истак майлида келади. (Abbas, Hasan., 2004: 622)

Масалан: عَسَى زَيْدٌ أَنْ يَكْتُبَ – эҳтимол, Зайд ёзар.

Бу феълга баъзан бирикма олмош кўшилиб келади ва у гапнинг эгасини билдиради.

Масалан: عَسَى أَنْ أَرَاكَ – эҳтимол, мен сени кўрарман.

е) Баъзан феъли инкор юкламаси вазифасида ҳам ишлатилади.

Масалан:

لَا أَدْرِي – Лест Адри билмайман

«كَانَ وَ أَخَوَاتُهَا» исмий гапларда боғловчи феъл вазифасида келиб, исмий кесимни тушум келишигида келишини талаб қилади, феълий гапларда эса феъл-кесим билан мураккаб феъл замонларини ҳосил қилади.

в) ва бошқа феъллар ёрдамчи феъл маъносида “бўлиб қолмоқ”, “айланмоқ”, маъноларини, ظَلَّ феъли “давом этмоқ” маъноларини беради.

Масалан:

هِيَ أَصْبَحَتْ جَمِيلَةً – У гўзал бўлиб қолди.

صَارَ الْبَرْتَقَالُ عَصِيْرًا – Апельсин шарбатга айланди.

ظَلَّ الْعَمَلُ مُتَّصِلًا لِمُدَّةِ أُسْبُوعٍ – Иш бир ҳафта давом этди.

Улардан баъзилари давомийликни ифода этади:

مَا أَنْفَكَ، مَا بَرَحَ، مَا زَالَ ва шу каби бошқа феъллар “ҳали ҳам”, “тўхтамаяпти” каби маънолар билан таржима қилинади. Давом феъллари иккала замонда ҳам фақат инкор шаклида келади. (Abbas, Hasan., 2004: 565)

Масалан:

ما زالت حياتنا صعبة – *Ҳаётимиз ҳали ҳам қийин.*

ما برح مريضاً – *У ҳали ҳам касал.*

لا يزال يتفكر – *У ҳали ҳам ўйлаяпти.*

Бу феъллардан أصبح, ظلّ, أمسى, بات, صار, феъллари ҳамма замонларда тўлиқ тусланади. ما دام ва ليس феъллари эса фақат ўтган замонда тусланади.

Канфеълига алоҳида тўхталадиган бўлсак, у етакчи феъл вазифасини бажаришдан ташқари от кесимли гапларда эга билан кесим ўртасида боғловчи вазифасини бажариши юқорида айтиб ўтдик.

Масалан:

أحمد تلميذ – *Аҳмад ўқувчидир.*

كان أحمد تلميذاً – *Аҳмад ўқувчи эди.*

Бу феълнинг ўзагида «و» бўш ундоши бўлгани учун уни ўтган замонда ва ҳозирги келаси замонда туслганда фонетик ўзгаришлар рўй беради.

Маълумки, араб тилида “кўмакчи феъллар” ёки “ёрдамчи феъллар” атамаси шартли равишда ажам тилшунослари томонидан киритилган бўлиб, асл араб наҳвчилари уларни ноқис феъллар деб номлашган. Мисол учун Антуан Даҳдах ўз асарида унга қуйидагича тасниф ва таъриф беради. (*Antuan el-Dahdah.*, 1992:26)

1. Ноқис феълнинг бир ўзи кесимни шакллантирмайди, балки ўша жумла тўлиқ маъно бериши учун ўз эгаси ва кесимига эҳтиёж сезади.

2. Ноқис феълларга:

1. أفعال القلوب و أفعال المتعدية

2. كاد و أخواتها

3. كان و أخواتها гуруҳларидаги феъллар киради.

فؤيلي йўқ феълларга كان و أخواتها ва كاد و أخواتها киради. Бирдан ортиқ тўлдирувчи эга бўлган феълларга эса أفعال القلوب و الناصبة гуруҳи киради (*Antuan el-Dahdah.*, 1992:108)

3. Кўмакчи феълларнинг “ноқис” дейилишига сабаб, уларнинг маъноси “кесим” сиз ноқис бўлиб қолади. Агар улардан бўлган ҳар бир феъл марфуъсига иснод қилинса, тушум келишигидаги “кесим” келмагунча у маъно билдирмайди.

4. Бу марфуъсини келтириш билан маънони тўлдирадиган тўлиқ феълларга хилофдир, ундан кейин келган насб ҳолатдаги исм муснаддан ташқари ортиқча бўлиб туради. (*Antuan el-Dahdah.*, 1992:151)

5. Ноқис феъллар исмий гап таркибига кирганда, уларнинг маъноси ва баъзи келишиқ қўшимчаларини ўзгартиради. Улар икки қисмдан иборат:

а) Эгани бош келишиқ ва кесимни тушум келишигида қўядиган феъллар. Бунда эга феълнинг исми бўлади, чунки у бошланғич жойини йўкотади, кесим эса феълнинг кесими бўлади, чунки у жумла структурасида кесимлигини сақлаб қолади. Масалан:

كان التلميذ ناجحاً – *Ўқувчи муваффақиятли эди.*

كان كنان التلميذ – *Кесим, каннинг исми, каннинг кесми.*

б) Эга ва кесим иккаласини марфуъсига тўлиқ риоя қилгандан кейин тушум келишигига ўзгартирувчи феъллар. Бунда эга ва кесим феълга тўлдирувчи бўлади. Жумла структурасида эса охириги тўлдирувчи кесимлигини сақлаб қолади.

ظننت التلميذ ناجحاً – *Ўқувчини муваффақиятли деб ўйладм.*

كان كنان التلميذ – *Биринчи тўлдирувчи, кинкинчи тўлдирувчи ҳисобланади.*

6. Ноқис феъллар иштирок этган жумла исмий жумла деб номланади, чунки ундаги кесим исмдир. Феълий жумла дейилиши учун унинг кесими феъл бўлиши керак.

7. Кесимга қўшимча маъно бериш учун исмий жумлага кирган ҳар бир феъл ноқис феълдир.

8. Битта тўлдирувчидан ортиғини тушум келишигига қўядиган феъллар эга ва кесимга кирганда ноқис ҳисобланади. Бундай ҳолатда “ўзгариб қолиш” ва учта тўлдирувчини насб қиладиган феъллар тўлиқ феъллик ҳукмидан чиқиб қолади.

9. Феъл тўлиқ маъносини йўқотганда ўз маъносини тўлдириш учун хабарга эҳтиёж сезади. Шунда у ўз функциясини қўйиб, янги маънога муносиб вазифани бажаради. Бунда тўлиқ феълнинг муснади ноқис феълнинг кесимига айланиш жараёни юз беради.

Масалан:

عرفتها – *Бу масалани билдм, танидм.*

Бу ҳолатда تعلمت тўлиқ феъл, яъни ўз маъносида қўлланган.

علمت المسألة سهلة – *Масалани осон деб билдим (англадим).*

Бу ерда эса تعلمت ноқис феълга айланди. (*Antuan el-Dahdah.*, 1992:151)

Демак, юқоридагилардан шу хулосага келиш мумкинки, ёрдамчи феълларнинг турлари кўп бўлиб, улардан кўпчилигининг фарқлаш мезонлари ва таснифи умумий ҳисобланади. Баъзи ёрдамчи феълларнинг бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам учрайди. Шунингдек, кўмакчи феъллар ўзи алоҳида бир маъно касб этмасада, жумланинг асл маъносини шакллантириб беришда муҳим роль ўйнайди.

Араб тилидаги кўмакчи феъллар гапдаги вазифасига кўра бир неча турга бўлинар экан, улар:

1. “Бўлиш” ва “бўлиб қолиш” мазмунини ифодаловчи феъллар – كان وأخواتها

2. Мулоҳаза феъллари – الأفعال الرجحان

3. Ўзгариш ёки айланиб қолишни ифодаловчи феъллар – أفعال التحويل

4. Иш-ҳаракатнинг бошланишини ифода этувчи феъллар – أفعال الشروع

5. Бўсаға мазмунини ифодаловчи феъллар – أفعال المقاربة

6. Мақтов ва таҳқир феъллари – أفعال المدح والذم

7. Ажабланиш феъллари – أَفْعَلُ بِ ва مَا أَفْعَلُ

ХУЛОСА

Араб тилидаги кўмакчи феълларнинг жумладаги ишлатилиш доираси кенг экан, улар хусусида кўплаб фикр-мулоҳазалар ва баҳс-мунозаралар гувоҳи бўлишимиз мумкин. Сабаби араб тилидаги кўмакчи феъллар жумланинг нафақат иш-ҳаракат даражасини, ҳолини, балки, унинг замонини ҳам ифодалаб бера олар экан. Бундан ташқари кўмакчи феълларнинг яна бир тури жумладаги ҳис-ҳаяжон, истак ва хоҳишни ҳам намоён эта олиши маълум бўлди. Улар:

– Мулоҳаза феъллари – خَالَ، رَعَى، حَسَبَ، ظَنَّ

– Ажабланиш феъллари – أَفْعَلُ بِ ва مَا أَفْعَلُ

Демак, араб тилиди кўмакчи феъллари ҳис-туйғуни ҳам ифодалашга кодир экан.

АДАБИЁТЛАР:

- Akmalxonov, Akmalxon (2019) Abu Yakub Sakkaki's views on the role of the source letters in words in Arabic. International Journal of Research 2019 (March), 353-359.
- Akmalxonov, Akmalxon (2020) On the words not inflected for cases by Abu Ya'kub Sakkakiy. International Scientific Journal. Theoretical and Applied Science. Clarivate Analytics. Philadelphia, USA. 2020 (2), 543-547
- Габучан Г.М., Лебедев В.В.(2000) . Лингвистический энциклопедический словарь. –Москва.
- Гранде Б.М.(1998) Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. -М.: Вост. Лит.
- Иброҳимов Н, Юсупов М.(1997). Араб тили грамматикаси. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
- Islomov, Zohidjon (2019) «Source studies analysis of manuscripts of "Muqaddimatu-ladab" in foreign archival funds,» The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4, Article 41. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2019/iss4/41>
- Лафасов Ў.(2007) Ўзбек тили. –Тошкент.
- Лебедев В.В.(2000) Задачи сопоставительного изучения глагольных систем арабского и русского языков. Вестник МГУ № 1. – Москва.
- Могомедов М.М. глагол бытия «ن» в литературном арабском языке (на материале Корана). Автореферат дисс.... на соискание учн. степ. канд. филол. наук. – Москва. -25с.
- Nasirova, Malika (2019). "Scientific heritage of Makhmud Zamakhshari and actual questions of the studies of Mavarennakhr's linguistic school" The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss.1,Article15.Availableat: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2019/iss1/15>
- Nasirova, Malika (2019) "Incomplete conjunction of words in the arabic grammar," The Light of Islam: Vol. 2019:Iss.4, Article15.Availableat: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2019/iss4/15>
- Nasirova, M. A. (2019). The contribution of the outstanding Mavarannahrian scholar Mahmud az-Zamakhshari into the world linguistics. International Scientific Journal. Theoretical and Applied Science. Clarivate Analytics. Philadelphia, USA 2019.(10), 755-759.
- Насырова, Малика (2012) Мавераннахр в контексте арабских лингвистических школ. Вестник Челябинского государственного университета. 2012. №12 (266)
- Nasirova, Malika (2013) "Af'alu-sh-shuru' va-l-muqoraba" fe'llari // O'zbek sharqshunosligi: buguni va ertasi. -T.: TDSHl.
- Носирова, Малика (2005). Махмуд Замахшарийнинг "ал-Унмузж фи-н-нахв" рисоласи.-Т.: ТДШИ.
- Rustamiy, S. (2020). Mahmud Koshgariy's views on fonetic, graphic and morphological characteristics of turkic languages. The Light of Islam, 2020 (2), 37-44.
- Rustamiy, S. (2016). "ESASU-L-BELAGA" VE "DIVAN-U LUGAT-IT-TURK" ESERLERİNİN DİL BİLİMİ VE BELAGAT BİLİMİYLE İLGİLİ YÖNLERİ. Electronic Turkish Studies, 11(20).
- Sagdullaeva, Dilduza (2020). "Analysis of arabic collocation in the work of "Kysasi Rabghuzi", "The Light of Islam": Vol. 2020 : Iss. 1, Article 25. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2020/iss1/25>
- Khazratkulov, Alisher. (2020) A COMMENTARY ON THE QUR'AN IN BUKHARI'S AL-JAME AS-SAHIH. Academicsia . Vol. 10, Issue 7, July 2020 -P. 236-244.
- Feruza Nizamova. (2019). Technological Issues and Innovative Solutions of Learning Ruba'is of Amir Khusrow Dehlavi // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE), ISSN: 2278-3075 (Online), Volume-9 Issue-2, December 2019, Page No. 4792-4798. <https://www.ijitee.org/download/volume-9-issue-2/>
- Яковенко Э.В. спряжение неправильных глаголов в арабском языке. –Москва. 2000.
- ص 240 2002 القاهرة. أبو بكر علي عبد العليم . دروس في الاعراب.
- أبو بكر علي عبد العليم. مكتبة الأسرة في النحو. القاهرة. 2014.
- أنطون الدحز معجم القواعد العربية العالمية. -لبنان، 1992
- عباس حسن. النحو الوافي. - مصر. 2004. ص. 147.
- الدروس النحوية. - مصر. 2007. حنفى الناصف .
- لوبيس معلوف. المنجد في اللغة و العالم. بيروت. الدار المشريق. 2005
- محمود الزمخشري. المفصل في صناعة الاعراب. - مصر. 2012. ص. 359
- مصطفى غلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت. 2002. ص. 331
- فؤاد نعمة . ملخص قواعد اللغة العربية. - مصر. -1987 ص. 214.
- فاضل صالح السامرائي أبو البركات بن الأنباري و دراياته النحوية. بيروت. 2016 -ص. 325

32. السيد خليفة. الكافي في النحو. - مصر.: دار التقوى. 2013. - ص. 642.
33. www.arabdict.com
34. www.drmosad.com
35. www.al-ahram.org
36. www.al-axbar.org

REFERENCES:

1. Akmalxonov, Akmalxon (2019) Abu Yakub Sakkaki's views on the role of the source letters in words in Arabic. International Journal of Research 2019 (March), 353-359.
2. Akmalxonov, Akmalxon (2020) On the words not inflected for cases by Abu Ya'kub Sakkakiy. International Scientific Journal. Theoretical and Applied Science. Clarivate Analytics. Philadelphia, USA. 2020 (2), 543-547.
3. Gabuchan G.M., Lebedev V.V.(1990) Lingvisticheskiy ensiklopedicheskiy slovar -Moskva
4. Grade B.M. (1998) Kurs arabskoy grammatiki v sravnitelno-istoricheskoy osv'yashenii. - Moskva.
5. Ibrohimov N., Yusupov M. (1997) Arab tili grammatikasi -T.: O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi davlat nashriyoti, 1-jild.
6. Isломov, Zohidjon (2019) "Source studies analysis of manuscripts of "Muqaddimatu-ladab" in foreign archival funds," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 41. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss4/41>
7. Lafasov, O'roqboy (2007). O'zbek tili. -Toshkent.
8. Lebedev V.V. (1985). Zadachi sopostavitelnogo izucheniya glagolnix system arabskogo i russkogo yazikov. Vestnik MGU. № 1. - Moskva
9. Magomedov M.M. (2000) Glagol bitiya «kana» v literaturnom arabskom yazike (na materiale Korana). Avtoreferat diss. ...na soiskanie uch. step. kand. filol. nauk - M.; 2000.-25s.
10. Nasirova, Malika (2019). "Scientific heritage of Makhmud Zamakhshari and actual questions of the studies of Mavarennakhr's linguistic school" The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss1/15>
11. Nasirova, Malika (2019) "Incomplete conjunction of words in the arabic grammar," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss4/15>
12. Nasirova, M. A. (2019). The contribution of the outstanding Mavarannahrian scholar Mahmud az-Zamakhshari into the world linguistics. International Scientific Journal. Theoretical and Applied Science. Clarivate Analytics. Philadelphia, USA, 2019, (10), 755-759.
13. Nasirova, Malika (2012) Mavaraunnahr v kontekste arabskix lingvisticheskix shkol. Chelabinskii gosudarstvennyi universitet. 2012. № 1. (266)
14. Nosirova, Malika(2005) Mahmud Zamakhshariyning "Al-unmuzaj fi-n-nahv" risolasi. -T.: TDSHl.
15. Nosirova, Malika (2013) "Af'alu-sh-shuru' va-l-muqoraba" fe'llari // O'zbek sharqshunosligi: buguni va ertasi. -T.: TDSHl.
16. Rustamiy, S. (2020). Mahmud Koshgariy's views on fonetic, graphic and morphological characteristics of turkic languages. The Light of Islam, 2020 (2), 37-44.
17. Rustamiy, S. (2016). "ESASU-L-BELAGA" VE "DİVAN-U LUGAT-İT-TÜRK" ESERLERİNİN DİL BİLİMİ VE BELAGAT BİLİMİYLE İLGİLİ YÖNLERİ. Electronic Turkish Studies, 11(20).
18. Sagdullaeva, Difuza (2020). "Analysis of arabic collocation in the work of "Kysasi Rabghuzi", "The Light of Islam": Vol. 2020 : Iss. 1, Article 25. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss1/25>
19. Khazratkulov, Alisher. (2020) A COMMENTARY ON THE QUR'AN IN BUKHARI'S AL-JAME AS-SAHIIH. Academicia . Vol. 10, Issue 7, July 2020 -P. 236-244.
20. Feruza Nizamova. (2019). Technological Issues and Innovative Solutions of Learning Ruba'is of Amir Khusrow Dehlavi // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE), ISSN: 2278-3075 (Online), Volume-9 Issue-2, December 2019, Page No. 4792-4798. <https://www.ijitee.org/download/volume-9-issue-2/>
21. Yakovenko E.V.(2000) Spryajenie nepravilnix glagolov v arabskom yazike. -Moskva.
22. Abu Bakr Ali Abd al-Alim (2002). Maktabat al-usrati fi an-nahv.-Al-Qohira.: Dar al-G'ad al-jadid. (in arabic)
23. Abu Bakr Ali Abd al-Alim (2002). Durus fi an-nahv li at-tullab va al-muallimiyn. -Al-Qohira.:maktabat al-Qur'an. (in arabic)
24. Antuan el-Dahdah (1992). Mujam qavaid al-arabiyya al-alamiyya. -Lubnan. (in arabic)
25. Abbas Hasan(2004). An-nahv al-vafi. -Misr. (in arabic)
26. Nasif, Hifni, Mahammad Diyab, Mustafa Tamum(2007). Ad-Durus an-nahviyya. -Misr.: Dar al-aqiya. (in arabic)
27. Ma'luf, Luis . (2005) Al-Munjid fi allugat va al-a'lam. - Bayrut.:dar al-mashriq, 2005. (in arabic)
28. Mahmud az-Zamakhshariy (2013). Al-Mufasssal fi san'ati al-i'rab.-Al-Qohira. (in arabic)
29. Mustafo al-G'alayini (2001). Jami' ad-durus al-arabiyya.-Al-Qohira.: Al-maktaba al-asriyya. (in arabic)
30. Fuad, Ni'mat (1973). Mulahhas qavaid al-lagati al-arabiyyati.- Misr.: Nahda.
31. Fadil Solih as-Samiraniy (2016). Abu al-Barakat ibn al-Anbaryi va dirasatuhu an-nahviyya.-Bayrut, Lubnan. (in arabic)
32. As-Sayyid Xalifa, Tahir Sulayman(2013). Al-Kafi fi an-nahv. -Al-Qohira.: Dar al-taqva. (in arabic)
33. www.arabdict.com
34. www.drmosad.com
35. www.al-ahram.org
36. www.al-axbar.org